

## СУРХОНДАРЁ ГИДРОТОПОНИМИ

Худайбердиев Ш., ТерДУ ўқитувчиси

Набижон Охунов ўзининг “Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари” рисоласида гидронимлар тўғрисида тўхталиб: “Гидронимлар орасида яна шундайлари учрайдики, уларнинг ўз-ўзидан англашиб, сезилиб турмайди. Бундай номлар кўпинча ўзга тил материалларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг маъноси махсус этимологик тадқиқотлар ёрдамида очиб берилади”-деб ёзади. Бизни фикримизча Сурхондарё номи ҳам мана шундай гидронимлар жумласига киради. Ўша асарда муаллиф гидронимларни:

- Уруғ-қабила, халқ номлари билан аталган гидронимлар.
- Киши исмлари асосида вужудга келган гидронимлар.
- Ўсимлик номлари билан юритилувчи гидронимлар.
- Ҳайвон ва жониворлар номи асосида вужудга келган гидронимлар.
- Аҳоли пунктлари билан аталган гидронимлар.
- Ер қатламининг устки тузилиши, тупроқнинг таркибига кўра номланган гидронимлар.
- Сувнинг маза-таъми, ҳиди ва ҳароратига нисбатан ном олган гидронимлар.
- Сувнинг ранг хусусиятига қараб номланган гидронимлар.
- Гидрообъектнинг сон-саноғи, миқдорига қараб ном олган гидронимлар.
- Объектнинг жойлашган ўрнига, ҳажми-ўлчовига, шакл ва тузилишига кўра келган гидронимлар.
- Объектнинг пайдо бўлган вақтига нисбатан номланган гидронимлар.
- Сувнинг оқиши характери, оқидамидаги йўналишига кўра ном олган гидронимларга бўлади.

**Сурхондарё** -Ўзбекистон жанубидаги суви Амударёга қуйиладиган дарё ва шу номдаги вилоят номи. Ўрта асрлар даврида Сурхондарё Чағонруд деб аталган. Чағонруд қадимги Чағониён шаҳри ва ўлкаси номидан олинган. Сурхон сўзининг келиб чиқиши ҳақида халқ оғзаки ижодида шундай ривоят юради: Рустам ва унинг ўғли Сухроб ўртасидаги жанг айнан Сурхон соҳилларида бўлиб беради. Ота-бола бир-бирини танимайди. Рустам курашда беҳосдан ўғли Сухробни қаттиқ ярадор қилиб ўлдириб қўяди. Ота ўз ўғлини таниб қолгач, унинг оху фиғонига, аламига на олам, на одам бардош беролмайди, аммо вақт ўтган эди. Сухробнинг қонлари дарёга қуйилади ва шундай бўён дарё Сухроб-қизил сув (қон сув) деб аталиб кетган экан. Бу албатта, халқ мифологияси.

Илмий манбаларда «Сурхон» сўзининг этимологияси ҳақида бир қатор фикрлар билдирилган. Э.Мирзаев «Сурхон» сўзини форсча “сурх” сўзи билан боғлаб, уни “қизғиш, қизилроқ” деган маъноларда келишини таъкидлайди. З.Дўсимов ва Ҳ.Эгамовларнинг таъкидлашларича, -он қўшимчасининг сифатларга қўшилиши шубҳалидир. С.Қораев гидроним этимологиясининг икки вариантини келтиради. Биринчи изоҳга кўра, у Сухроб сўзининг ўзгарган шакли; иккинчи изоҳга кўра, туркманларнинг сурх уруғи номидан олинган. -он эса тожикча кўплик қўшимчасидир. Т.Нафасовнинг фикрича, гидроним тожикча сурх-»қизил, қизғиш» -он -об -»сув, дарё», Сухроб - «қизил сув», «қизғиш тупроқли сув» маъносини билдиради.

Бизнингча, гидроним асли сурх-хон сўзлари бирикмасидан ҳосил бўлган. Сурх сўзи форсча «қизил» демакдир. Хон - «дарё» маъносида келган.

Авесто тилида хон- «қудук, булок», сўғдча хон (кан) - «канал», ўрта форс тилида хан - «канал», тожикча хон - «кичик ховуз»; хани - «чашма», «сув чиқадиған жой»; парфянча хан, ханиг юқоридаги маъноларда, яғнобча хан - «сув оқар арик», «суғориш канали» маъноларини беради. Гидронимнинг асли Сурххон бўлиб, «қизил сув» ёки «қизил дарё» маъносини англатади. Кейинроқ гидронимга «дарё» сўзи қўшилган ва Сурхондарё номини олган.

Сурхондарё гидроними юқоридаги таснифнинг 8-бандидаги мезонга мос келади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимиздаги қайси бир дарё - Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё ёки Сурхондарё бўйида яшамайлик, уларни этимологиясини билиш бизни Ватанимиз тарихини чуқур билишга хизмат қилади.